



# «O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ

2017-yil «30» 05

TOSHKENT

№ 937-НЗ

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ корхоналарда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисалар содир бўлиш сабабларини таҳлил этиш ва келгусида йўл қўйилишининг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ корхоналарида 2017 йилнинг 20 май ҳолатига ишлаб чиқариш билан боғлиқ 15 та бахтсиз ходисалар содир бўлишига йўл қўйилган бўлиб, шундан 10 та ҳолатда оқибати оғир ва 5 та ҳолат эса оқибати ўлим билан тугаган. Ўтган 2016 йилнинг шу даврида жами 4 та, 3 та оқибати оғир ва 1 та оқибати ўлим билан тугаган бахтсиз ходисалар содир этилган. Бундан, ўтган йилга нисбатан жорий йилда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисалар сони кескин равишда ошиб кетишига йўл қўйилганлиги кўриниб турибди.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисаларнинг келиб чиқишига кўп ҳолларда ишчи-ҳодимларнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги тартиб-қоидаларига риоя қилмасликлари билан бир қаторда, зиммасига меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигини ташкил этиш ва назорат қилиш юклатилган корхоналар мутахассислари, бош муҳандисларининг ўзлари мазкур масаладаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини яхши билмасликлари, яъни касб малакаларининг етарли эмаслиги, айримларининг махсус олий техник маълумотга эга эмаслиги, уларни ўқитиш, малакасини ошириш, билимларини синаш ва касбга лаёқатлик даражасини аниқлаш бўйича аттестациялар ўтказиш ишларининг тизимли ва сифатли равишда йўлга қўйилмаганлиги, меҳнат муҳофазаси бўйича лавозимлар узоқ вақт мобайнида вакансия бўлиб, муносиб мутахассислар тайинланмаётганлиги, кадрлар захираси шакллантирилмаганлиги ҳамда улар фаолияти устидан назоратнинг сусайтириб юборилганлиги асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, корхоналар раҳбарлари ҳам меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этишга масъулият билан ёндошмаяптилар. “Ўзбекистон темир

йўллари” АЖ бошқаруви раҳбариятининг 06.09.2007 йилдаги 243-НЗ-сонли буйруғи билан тасдиқланган корхоналарда меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими талаблари бажарилишини етарли назорат қилмаяптилар, аксинча айрим ҳолларда меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимларни бевосита мутахассислигига мос келмайдиган бошқа ишларга жалб этилишига йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 12.11.2008 йилдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида акциядорлик жамияти бошқаруви раҳбариятининг 02.03.2009 йилдаги 63-Н-сонли “Меҳнат муҳофазаси фондини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи талабларини бажариш ҳам талабга тўла жавоб бермайди.

Баъзи корхоналарда ишчи-ходимлар махсус кийим-бош, пойафзал ва шахсий химоя воситалари билан етарли миқдорда таъминланмаяптилар, уларнинг сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Мазкур масалани тартибга солиш юзасидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарувининг 13.01.2017 йил 71-НЗ-сонли буйруғига мувофиқ ташкил этилган комиссия фаолиятининг самараси сезилмаяпти.

Ишчи-ходимларни меҳнат муҳофазаси юзасидан йўл-йўриқдан ўтказиш, уч босқичли назоратни амалга ошириш ва жорий этилган уч хилдаги огоҳлантирувчи талон тизими бўйича ишлар юзаки ва расмийлик учун ўтказилиб келинмоқда. Корхоналарда меҳнат муҳофазаси вакиллари номигагина сайлаб қўйилган.

Ҳатто, кўпгина корхоналарда бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш бўйича огоҳлантирувчи белгилар (плакатлар) ҳам ўрнатилмаган. Борлари ҳам эскириб кўринмас ҳолга келиб қолган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини такомиллаштириш, самарадорлигини янада ошириш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни олдини олишга йўналтирилган профилактик ишларни кучайтириш бўйича акциядорлик жамияти бошқаруви ва тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режаларида, Республика Кенгаши аъзолари ва Республика Кенгаши Раёсатининг қарорларида белгиланган вазифаларнинг муддатида ва тўла ҳажмда бажарилишига эришилмаяпти. Мазкур соҳага таалукли Дастур, Низомлар (НБТ-312, НБТ-313) талабларига риоя этилиши бўйича тизимли назорат ўрнатилмаган. Меъёрий ҳужжатларнинг айримлари эса эскириб қолган, масалан акциядорлик жамияти корхоналарида меҳнат муҳофазасини тизимли бошқариш стандартлари 2007 йилда қабул қилинган бўлиб, ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” 22.09.2016 йилдаги янги таҳрирдаги қонуни талабларидан келиб чиқадиган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган.

Баъзи ҳолларда, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисида акциядорлик жамияти меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармасига ўз вақтида хабар бермасдан, содир бўлган бахтсиз ҳодисани яшириш ҳолатларига йўл қўйилган.

Масалан, “Тошкент механика заводи” АЖда жорий йил 14 феврал куни цех бўёқчиси Кузнецов В. оғир тан жароҳати олганлиги тўғрисида 2017 йил 11 март куни, орадан қарийб бир ой ўтгач;

Йўл хўжалиги бошқармасига қарашли 279-сонли йўл машина станцияси поезд тузувчиси Бердимуродов М. билан 2017 йил 2 март куни содир бўлган бахтсиз ҳодиса тўғрисида орадан икки ой ўтиб, 5 май куни;

Тошкент МТУ Ховос электр таъминоти масофаси (ЭЧ-2) корхонаси ишчиси Абузаров Н. билан 2017 йил 2 май куни содир бўлган бахтсиз ҳодиса тўғрисида фақатгина орадан 13 кун ўтиб, 15 май куни расмий хабар берилган. Ушбу корхоналар раҳбарлари ва масъул ходимлари ишлаб чиқариш билан бахтсиз ҳодисаларни яширишга уринишлари оқибатида ҳодиса сабабларини тезкорлик билан аниқлаш, бартараф этиш ва такрорланмаслиги бўйича зарур чора-тадбирлар белгилашда қийинчиликлар юзага келмоқда.

Бундай номақбул амалиётга келгусида чек қўйиш мақсадида масъул мансабдор ходимларга нисбатан қатъий интизомий таъсир чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ содир бўлган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида ҳодиса тафсилотлари, келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш чоралари кўрсатилган ҳолда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти томонидан барча корхона, ташкилот ва муассасаларга юборилган тезкор хабарномалар айрим корхоналар раҳбарлари томонидан меҳнат жамоалари ўртасида умуман муҳокама этилмаган ҳамда ишчи-ходимлар билан навбатдан ташқари йўриқлаш ўтказилмаган.

Жумладан, Қарши МТУ “Улус”, “Жом”, “Айратом”, “Алатун”, “Муборак”, “Қорадахна”, “Бузахур”, “Қайирма”, “Нишон” станциялари ва РЗД-149 бошлиқлари ҳамда Термиз МТУ “Оқназар”, “Хайрабод”, “Шўрчи” станциялари бошлиқлари ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошиб, бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши олдини олиш профилактикаси масаласига етарли эътибор бермаганлар.

Бундан ташқари, ишчи-ходимларни ишга қабул қилишда ва уларнинг меҳнат қилиши давомида бир неча бор тиббий кўрикдан ўтган бўлишларига қарамасдан, турли хил касалликлар туфайли иш жойларида (2017 йил 20 мартда 13-Кўприққурилиш отряди электромонтёри Назаров А., 2017 йил 9 майда Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси “Ўзбекистон” стационар отряди, “Самарқанд” ўқчилик командаси ўқчиси Абдуллаев А.) вафот этганлар. Бундай ҳолатлар ишчи-ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларига ўта масъулият билан ёндошиш ва сифатини тубдан яхшилашни тақозо этмоқда.

Шунингдек, мазкур соҳада тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, касаба уюшма худудий кўмиталари меҳнат муҳофазаси мутахассислари ва касаба уюшма ташкилотлари раҳбарларининг иш берувчилар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ҳам қониқарли эмас. Уларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан фаолияти бугунги кун талабларига тўла жавоб бермаяпти. Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини, аҳамиятини тушунтириш бўйича

ўқув семинар машғулоти тизимли ва сифатли ўтказилмапти. Касаба уюшмалари масъуллари содир бўлган бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни юқори касаба уюшма ташкилотлари раҳбариятига етказиш (статист) билан чегараланиб, кузатувчи бўлиб қолмоқдалар. Ваҳоланки, қонунлар ва қонун ости актларида уларнинг бу соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб,

## **БУЮРАМАН:**

**1.** Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш борасида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси ва тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, корхоналар раҳбарларининг ҳамда жойлардаги меҳнат муҳофазаси масъул ходимларининг олиб бораётган ишлари **қониқарли эмас** деб топилсин.

**2.** “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ корхона, ташкилот ва муассасаларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича мавжуд аҳволни тубдан яхшилаш, акциядорлик жамияти меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси, тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, уларнинг жойлардаги хизматлари тизимини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада ишларни намунали ташкил этиш ва сифатли амалга оширишга тўсик бўлаётган муаммоларни аниқлаш, сабабларни таҳлил этиш ва бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш, зарур чора-тадбирлар белгилаш ҳамда бажарилишини назорат қилишни таъминлаш мақсадида **Комиссияси** таркиби **1-иловага** мувофиқ равишда тасдиқлансин.

**3. Комиссия 3 кун муддатда** меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ишларни такомиллаштириш, тизимли ва самарали йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олишга қаратилган аниқ таклифларни тайёрлаб ҳамда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун тақдим этсин.

**4.** “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарма, марказ, хизматлари, МТУлари, йирик саноат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, трестлар, акциядорлик жамиятлари бош муҳандислари, меҳнат муҳофазаси мутахассислари, касаба уюшма ташкилотлари раҳбарларидан иборат таркибда **йўналишлар бўйича Ишчи гуруҳлари 2-иловага** мувофиқ ташкил этилсин.

### **5. Йўналишлар бўйича тузилган Ишчи гуруҳларга:**

**5.1** ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши сабабларини таҳлил этиш ва келгусида йўл қўйилишини олдини олиш, аҳволни тубдан яхшилаш юзасидан Комиссия томонидан тайёрланган таклифларни амалиётга тадбиқ этиш ҳамда чора-тадбирлар режасида кўрсатилган вазифаларни белгиланган муддатларида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

**5.2** корхоналарда ҳар пайшанбада ўтказиладиган “меҳнат муҳофазаси куни” тадбирлари натижаларини техник ва технологик назорат бошқармаси билан биргаликда умумлаштириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича

амалга оширилган ишлар тўғрисида Комиссияга **ҳар жума куни** ҳисобот тақдим этиш;

**5.3** таалукли йўналишлар бўйича корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги ҳолатини (**3-иловага** мувофиқ тавсия этилаётган саволнома) асосида тизимли мониторинг қилиб бориш ҳамда хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошиб, меҳнат муҳофазасини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (Қарор, Низом, Қоида, Инструкция, буйруқлар ва ҳ.к.) талабларига риоя этилишини лозим даражада бажарилишини таъминламаган раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан интизомий таъсир чоралари қўллаш тўғрисида таклифлар киритиб бориш вазифалари топширилсин.


**6.** Йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлар раислари **3 кун муддатда** меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги ҳолатини жорий йил **2 июндан 2 июлгача** жойларга чиқиб ўрганиш жадвалларини тузсинлар ва тасдиқлаш учун тақдим этсинлар.

**7. Комиссия** йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлар тақдим этган маълумотларни таҳлил этиб, мавжуд аҳвол ва тезкорлик билан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида заруратга қараб **ҳар шанба куни** ўтказиладиган селектор йиғилишларида ахборот бериб бориш амалиёти жорий этилсин.

**8.** “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ахборотни таъминлаш бўйича жамоатчилик билан алоқалар ва тармоқ газетаси хизмати бошлиғи **М.Муротовга** мазкур буйруқ ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларни “Темирйўлчи” соҳа газетаси саҳифаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.


**9.** Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш акциядорлик жамияти бош мененжери-бош муҳандиси **Х.Хасилов** ва тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари **Й.Назаровларга** топширилсин.

“Ўзбекистон темир йўллари”  
бошқаруви раиси 1-ўринбосари



А.Шукуров

“КЕЛИШИЛГАН”  
Тармоқ касаба уюшмаси  
Республика Кенгаши раиси в.б



Й.Назаров

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ  
бошқаруви ва Тармоқ касаба  
уюшмаси Республика Кенгаши  
раҳбариятининг 2017 йил 30  
майдаги 937-НЗ сонли қўшма  
бўйруғига 1-илова**

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши сабабларини таҳлил этиш ва келгусида йўл қўйилишини олдини олиш, меҳнат муҳофазаси аҳволини мониторинг қилиш ва тубдан яхшилаш, соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ижросини назорат қилиш бўйича

**КОМИССИЯСИ**

- Х.Хасилов - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ  
Бош менежери-бош муҳандиси, комиссия раиси

**Комиссия раиси ўринбосарлари**

- Й.Назаров - Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари  
касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси в.б  
Р.Асомхўжаев - “ЎТЙ” АЖ Меҳнат муҳофазаси техника ва саноат  
хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи в.б **(НБТ)**

**Комиссия аъзолари**

- М.Мамасидиқов - “ЎТЙ” АЖ Персонални бошқариш ва кадрлар  
тайёрлаш бошқармаси бошлиғи **(НОК)**  
И.Максудходжаев - “ЎТЙ” АЖ Техник ва технологик назорат бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари **(УТТК)**  
Б.Медешев - “ЎТЙ” АЖ Меҳнат муҳофазаси техника ва саноат  
хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари **(НБТ)**  
А.Олламов - “ЎТЙ” АЖ Юридик бошқармаси катта  
юристконсульти **(НЮ)**  
Ж.Дўсметов - “Темирйўл ёнилғитаъмин” бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари **(ТЭР-НХ)**  
Н.Зайниддинов - “ЎТЙ” АЖ Саноат фаолиятини ташкил этиш ва  
назорати бошқармаси бош муҳандиси **(НП)**  
Ф.Махмудов - “ЎТЙ” АЖ Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш  
бошқармаси бошлиғи ўринбосари **(НН)**  
И.Субанов - “ЎТЙ” АЖ Молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари  
**(НФ)**  
Р.Мухамедов - “ЎТЙ” АЖ Ташишларни ташкил этиш бошқармаси  
бош муҳандиси **(Д)**  
Н.Хуррамов - “ЎТЙ” АЖ Вагон хўжалиги бошқармаси бош  
муҳандиси **(В)**  
М.Усмонов - “ЎТЙ” АЖ Логистика, юк ва тижорат ишлари  
бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари **(М)**  
Х.Зайнутдинов - “ЎТЙ” АЖ Электр таъминоти хизмати бош муҳандиси  
**(Э)**

- М.Акбаров - “ЎТЙ” АЖ Алоқа ва сигналлаштириш хизмати бош муҳандиси **(Ш)**
- Т.Исматиллаев - “ЎТЙ” АЖ Йўл хўжалиги бошқармаси бош муҳандиси **(П)**
- Х.Қаландаров - “ЎТЙ” АЖ Локомотивлардан фойдаланиш бошқармаси бош муҳандиси **(УЭЛ)**
- Б.Мадаминов - “ЎТЙ” АЖ Темир йўл техникаси, машина ва механизмлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари **(УМ)**
- С.Исаев - “ЎТЙ” АЖ Капитал қурилиш дирекцияси бош муҳандиси **(НОКС)**
- Ш.Умарова - “ЎТЙ” АЖ бошқаруви касаба уюшма қўмитаси раиси
- К.Турсунов - “Темирйўленилғитаъмин” бошқармаси бош муҳандиси **(ТЭР)**
- В.Андреев - “Кўприкқурилиш трести” УК бош муҳандиси
- Б.Абдуллаев - “Кўприкқурилиш трести” УК бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси
- Б.Содиқов - “Тошкент метрополитени” УК бош муҳандиси
- Б.Таджиев - “Тошкент метрополитени” УК касаба уюшмаси қўмитаси раиси
- У.Қаххоров - Тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудир
- Б.Шаюнусов - “ЎТЙ” АЖ Соғлиқни сақлаш хизмати бошлиғи ўринбосари **(НВС)**
- З.Шарапова - Марказий санитария-эпидемиология станцияси санитария бўлими мудир **(ЦСЭС)**
- М.Расулов - Тошкент темир йўл муҳандислари институти ректори
- А.Маҳкамов - “ЎТЙ” АЖ кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўл Маркази бош муҳандиси
- Ф.Мусалимов - “ЎТЙ” АЖ ички аудит хизмати бошлиғи
- М.Муротов - Ахборотни таъминлаш бўйича, жамоатчилик билан алоқалар ва тармоқ газетаси хизмати бошлиғи **(ИС)**

*\*Изоҳ: Комиссия аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига тайинланган ходим комиссия аъзоси ҳисобланади.*

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва тармоқ  
касаба уюшмаси Республика Кенгашининг  
2017 йил 30 майдан 937-Н3 сонли қўшма  
буйруғига 2-илова**

**Меҳнат муҳофазаси ҳолатини мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш  
ишларини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳлар  
ТАРКИБИ**

**1- ишчи гуруҳ**

<b>“Тошкент МТУ” Унитар корхонаси бўйича ишчи гуруҳ таркиби</b>			
1.	Мухамедов Р.М.	Ташишларни ташкил этиш бошқармаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раиси
2.	Миллажонов Б.П.	“Тошкент МТУ” Унитар корхонаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари
3.	Тўхтаматов О.	“Тошкент МТУ” Унитар корхонаси ҳудудий касаба уюшма қўмитаси раиси	Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари
4.	Лапасов Ш.А.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси йўриқчиси	Гуруҳ аъзоси
5.	Урунбоев Н.Ш.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
6.	Қаюмов Ф.Р.	“Тошкент МТУ” Унитар корхонаси ҳудудий касаба уюшма қўмитаси меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси	Гуруҳ аъзоси
7.	Тўлаганова С.Р.	“Тошкент МТУ” Унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
8.	Аманов Ш.М.	“Тошкент МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
9.	Шамшиев Б.А.	“Тошкент МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш бўлими меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
10.	Марказий санитария эпидимология станция мутахассиси		
11.	“Тошкент МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги станция бошлиқлари		
12.	“Тошкент МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги корхоналар бош муҳандислари		
13.	“Тошкент МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги корхоналар меҳнат муҳофазаси муҳандислари		

**2- ишчи гуруҳ**

<b>“Қўқон МТУ” Унитар корхонаси бўйича ишчи гуруҳ таркиби</b>			
1.	Медешев Б.Э.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Ишчи гуруҳ раиси
2.	Иркабоев О.Р.	“Қўқон МТУ” Унитар корхонаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари
3.	Нурматов М.Х.	“Қўқон МТУ” Унитар корхонаси ҳудудий касаба уюшма қўмитаси раиси	Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари
4.	Жураев У.Т.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси



5.	Абдуллаев Х.С.	“Кўкон МТУ” Унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
6.	Маматкулов Д.Ш.	“Кўкон МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
7.	Исанов Н.	“Кўкон МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш бўлими меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
8.	Худудий санитария эпидимология станция бош шифокори		
9.	“Кўкон МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги станция бошлиқлари		
10.	“Кўкон МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги корхоналар бош муҳандислари		
11.	“Кўкон МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги корхоналар меҳнат муҳофазаси муҳандислари		

### 3- ишчи гуруҳ

<b>“Бухоро МТУ” Унитар корхонаси бўйича ишчи гуруҳ таркиби</b>			
1.	Исматиллаев Т.С.	Йўл хўжалиги бошқармаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раиси
2.	Эргашев А.Ю.	“Бухоро МТУ” Унитар корхонаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раис ўринбосари
3.	Хамраев И.И.	“Бухоро МТУ” Унитар корхонаси худудий касаба уюшма қўмитаси раиси	Ишчи гуруҳ раис ўринбосари
4.	Турсунов К.Т.	“Темирйўл ёнилғитаъмин” бошқармаси бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
5.	Ойматов М.Н.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
6.	Мамадиев М.М.	“Бухоро МТУ” Унитар корхонаси худудий касаба уюшма қўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси	Гуруҳ аъзоси
7.	Рахмонов М.	“Бухоро МТУ” Унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раисининг Самарқанд худуди бўйича ўринбосари	Гуруҳ аъзоси
8.	Бозоров А.Ш.	“Бухоро МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
9.	Гаффаров У.А.	“Бухоро МТУ” Унитар корхонаси меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
10.	Муминова Ю.И.	“Бухоро МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
11.	Худудий санитария эпидимология станция бош шифокори		
12.	“Бухоро МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги станция бошлиқлари		
13.	“Бухоро МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги корхоналар бош муҳандислари		
14.	“Бухоро МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги корхоналар меҳнат муҳофазаси муҳандислари		

#### 4- ишчи гуруҳ

<b>“Қўнғирот МТУ” Унитар корхонаси бўйича ишчи гуруҳ таркиби</b>			
1.	Қаландаров Х	Локомотивлардан фойдаланиш бошқармаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раиси
2.	Алланиязов А.Е.	“Қўнғирот МТУ” Унитар корхонаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раис ўринбосари
3.	Ембергенов А.О.	“Қўнғирот МТУ” Унитар корхонаси худудий касаба уюшма кўмитаси раиси	Ишчи гуруҳ раис ўринбосари
4.	Рахмонбердиев Р.А.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси, меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
5.	Рахимов И.	“Қўнғирот МТУ” Унитар корхонаси касаба уюшма кўмита раисининг Ургенч худуди бўйича ўринбосари	Гуруҳ аъзоси
6.	Джаббарбергенов Н.Б.	“Қўнғирот МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
7.	Айтмуратов Р.Р.	“Қўнғирот МТУ” Унитар корхонаси касаба уюшма кўмита раиси	Гуруҳ аъзоси
8.	Нуриμβетов Х.С.	“Қўнғирот МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
9.	Худудий санитария эпидимология станция бош шифокори		
10.	“Қўнғирот МТУ” Унитар корхонаси тассаруфидаги станция бошлиқлари		
11.	“Қўнғирот МТУ” Унитар корхонаси тассаруфидаги корхоналар бош муҳандислари		
12.	“Қўнғирот МТУ” Унитар корхонаси тассаруфидаги корхоналар меҳнат муҳофазаси муҳандислари		

#### 5- ишчи гуруҳ

<b>“Қарши МТУ” Унитар корхонаси бўйича ишчи гуруҳ таркиби</b>			
1.	Зайнутдинов Х.	Электр таъминоти бошқармаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раиси
2.	Жўраев А.Э.	“Қарши МТУ” Унитар корхонаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раис ўринбосари
3.	Қурбонов С.Б.	“Қарши МТУ” Унитар корхонаси худудий касаба уюшма кўмитаси раиси	Ишчи гуруҳ раис ўринбосари
4.	Атажанов М.Д.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармасининг етакчи муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
5.	Толабаев Ж.В.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармасининг муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
6.	Рўзикулов Х.Р.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармасининг меҳнат муҳофаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси

7.	Худаёров И.С.	“Қарши МТУ” Унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси меҳнат муҳофазаси бош мутахассиси	Гуруҳ аъзоси
8.	Элмуратов Б.Д.	“Қарши МТУ” Унитар корхонаси касаба уюшма қўмита раиси	Гуруҳ аъзоси
9.	Мирзаев М.Х.	“Қарши МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
10.	Норматов Б.С.	“Қарши МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
11.	Худудий санитария эпидимология станция бош шифокори		
12.	“Қарши МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги станция бошлиқлари		
13.	“Қарши МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги корхоналар бош муҳандислари		
14.	“Қарши МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги корхоналар меҳнат муҳофазаси муҳандислари		

#### 6- ишчи гуруҳи

<b>“Термиз МТУ” Унитар корхонаси бўйича ишчи гуруҳ таркиби</b>			
1.	Акбаров М.У.	Алоқа ва ишорат бошқармаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раиси
2.	Бектемиров А.А.	“Термиз МТУ” Унитар корхонаси бош муҳандиси ўринбосари	Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари
3.	Каримов К.П.	“Термиз МТУ” Унитар корхонаси худудий касаба уюшма қўмитаси раиси	Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари
4.	Бозоров Ш.У.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси, меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
5.	Режапов Р.Д.	“Термиз МТУ” Унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси меҳнат муҳофазаси бош мутахассиси	гуруҳ аъзоси
6.	Ахатов Б.М.	“Термиз МТУ” Унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
7.	Гиязов Ф.С.	“Термиз МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
8.	Мардаев Б.Ж.	“Термиз МТУ” Унитар корхонаси меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
9.	Турсунов Ш.К.	“Термиз МТУ” Унитар корхонаси ташишларни ташкил этиш бўлими меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
10.	“Термиз МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги станция бошлиқлари		
11.	“Термиз МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги корхоналар бош муҳандислари		
12.	“Термиз МТУ” Унитар корхонаси тасарруфидаги корхоналар меҳнат муҳофазаси муҳандислари		

<b>Саноат ишлаб чиқариш корхоналари</b>			
1.	Зайниддинов Н.С.	Саноат фаолиятини ташкил этиш ва назорати бошқармаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раиси
2.	Асалов Б.М.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси етакчи муҳандиси	Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари
3.	Тохтаходжаев А.	“14-сонли рельс пайвандлаш” УК бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
4.	Аблазов Т.Я.	“Қуюв-механика заводи” ШК бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
5.	Султонов Ш.К.	“Қуюв-механика заводи” ШК касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
6.	Турсунов А.	“Қуюв-механика заводи” ШК меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
7.	Махсудов М.М.	“Тошкент механика заводи” АЖ бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
8.	Атаджанов М.Р.	“Тошкент механика заводи” АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
9.	Калтаева Г.Е.	“Тошкент механика заводи” АЖ меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
10	Миродилов М.М.	“Андижон механика заводи” ШК бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
11	Содиқов О.	“Андижон механика заводи” ШК касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
12	Маматисақов Ж.Д.	“Андижон механика заводи” ШК меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
13	Уралов А.С.	“Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
14	Маджидова Б.Р.	“Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
15	Холмирзаева Д	“Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи” АЖ меҳнат муҳофазаси меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
16	Халиков К.У.	“Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
17	Юсупходжаев А.В.	“Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
18	Джабаев Д.А.	“Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
19	Асроров С.С.	Харбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси 1-чи ўринбосари	Гуруҳ аъзоси
20	Арипов Б.Б.	Харбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси касаба уюшма қўмита раиси	Гуруҳ аъзоси
21	Носиров Ш.И.	Харбийлаштирилган қўриқлаш бошқармасининг меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи муҳандиси	Гуруҳ аъзоси

## 8- ишчи гуруҳи

<b>Қурилиш ташкилотлари</b>			
1.	Пиров Р.М.	Логистика, юк ва тижорат ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Ишчи гуруҳ раиси
2.	Джамалов М.М.	Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси етакчи муҳандиси	Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари
3.	Норбаев А.К.	“Ўзтемирўлқурилишмонтаж” УК бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
4.	Рамазонова Н. Р.	“Ўзтемирўлқурилишмонтаж” УК касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
5.	Алемаскина И.В.	“Ўзтемирўлқурилишмонтаж” УК меҳнат муҳофазаси етакчи муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
6.	Андреев В.Л.	“Кўприкқурилиш трести” УК бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
7.	Абдуллаев Б.Х.	“Кўприкқурилиш трести” УК касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
8.	Ниязметов Х.	“Кўприкқурилиш трести” УК меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
9.	Буранбаев Р.Р.	“Эйвалекмахсистемирбетон” АЖ бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
10.	Пулатов Ф.Х.	“Эйвалекмахсистемирбетон” АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
11.	Гўрўғлиев Ф.	“Эйвалекмахсистемирбетон” АЖ меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
12.	Сандибоев Т.	Махсус механизациялашган йўл машина станцияси бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
13.	Мирғиесов Ж.	Махсус механизациялашган йўл машина станцияси касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
14.	Воҳидов А.	Махсус механизациялашган йўл машина станцияси меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
15.	Хафизов Ф.	“1-сонли энергомонтаж поезда” УК бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
16.	Низомов Р.Ю.	“1-сонли энергомонтаж поезда” УК меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
17.	Бегимов Х.К.	ССМП-406 бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
18.	Мирлян З.С.	ССМП-406 касаба касаба уюшма қўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
19.	Яхшимуротов Р.	ССМП-406 меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси

## 9- ишчи гуруҳи

<b>Акциядорлик жамиятлари</b>			
1.	Хуррамов Н.С.	Вагон хўжалиги бошқармаси бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раиси
2.	Абдувалиев Р.А.	“Ўзтемирўлқурилиш” АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси	Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари
3.	Қодиров Ш.	“Ўзтемирўлқурилиш” АЖ бош муҳандиси	Ишчи гуруҳ раис ўринбосари
4.	Махмудов М.Х.	“Ўзтемирўлқурилиш” АЖ меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи	Гуруҳ аъзоси
5.	Содиқов С.М.	“Ўзтемирўлқурилиш” АЖ бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси

6.	Нигмонов А.А.	“Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
7.	Исмоилов Б.Я.	“Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ меҳнат муҳофазаси етакчи муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
8.	Исмоилов Ш.Ж.	“Ўзвагонтаъмир” АЖ бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
9.	Говмиддинов З.	“Ўзвагонтаъмир” АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
10.	Шарипов Н.Т.	“Ўзвагонтаъмир” АЖ меҳнат муҳофазаси етакчи муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
11.	Имоилов А.А.	“Йўлрефттранс” АЖ бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
12.	Эипов Ж.	“Йўлрефттранс” АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
13.	Муратов А.М.	“Йўлрефттранс” АЖ меҳнат муҳофазаси муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
14.	Содиқов Б.Ғ.	“Тошкент метрополитени” УК бош муҳандиси	Гуруҳ аъзоси
15.	Таджиев Б.А.	“Тошкент метрополитени” УК касаба уюшма кмитаси раиси	Гуруҳ аъзоси
16.	Ходжанова Д.П.	“Тошкент метрополитени” УК меҳнат муҳофазаси етакчи муҳандиси	Гуруҳ аъзоси

“2017 йил 30 майдаги 937 сонли  
кушма буйруғига 3-илова

**“Ўзбекистон темир йуллари” АЖ корхона ва ташкилотларида меҳнат  
муҳофазаси, саноат ва экологик хавфсизлик масалаларини мониторинг қилиш  
юзасидан**

**ТЕХНИК ВАЗИФАЛАР**

(“Ўзбекистон темир йуллари” АЖ Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва саноат  
хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи томонидан 2015 йил 02 февралда тасдиқланган)

- Меҳнат муҳофазаси, электр ва ёнгин хавфсизлиги бўйича жавобгар шахслар тайинланганлиги тўғрисида буйруқлар мавжудлиги;
- Меҳнат муҳофазаси бўйича билимлар синалганлиги тўғрисида баённомалари;
- Электротехник лабораториясининг ерлагичлар контурлари ва электр қурилмалари синовдан ўтказганлиги тўғрисида баённомалари;
- Жамоа шартномаси, меҳнат муҳофазаси бўйича дастур ва келишувларнинг бажарилиши ва маблағ ўзлаштирилиши;
- Меҳнат хавфсизлиги бўйича корхона стандарти тузилганлиги ва амалга оширилганлиги;
- Поездлар ҳаракати, йўловчиларга хизмат кўрсатиш, юклар кузатувида боғлиқ шахслар ва бошқа ходимларнинг меҳнат ва дам олиш режимларига риоя этилиши;
- Ички меҳнат тартиби қоидалари мавжудлиги, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг ҳолати, меҳнат хавфсизлиги бузилиши учун қўлланилган интизомий жавобгарлик чоралари;
- Меҳнат муҳофазаси бўйича касблар ва хизматчилар учун қоидалар ва

йўриқномалар тузилганлиги, ушбу ҳужжатларни ўз вақтида қайта кўриб чиқилганлиги, иш юритиш ва ҳисоботлар юритуви тартиби:

- Оғир юк кўтариш ҳолатлари мавжуд оғир ишлардан аёлларнинг озод этилганлиги;
- Назорат органларининг олдинги текширувлари яқунлари бўйича тақдимномалар, далолатномалар (маълумотлар)нинг бажарилиши, ишларни бажаришда назоратнинг ташкиллаштирилганлиги;
- Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларнинг текшируви ва ҳисобга олиниши тартиби, ходимларнинг жароҳатланишига олиб келган сабаблар, бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш учун кўрилган чоралар ва уларнинг бажарилиши, текширувда шахсан раҳбарларнинг қатнашуви ва тезкор мажлисларда ходисаларни кўриб чиқилганлиги, баённомалар ва буйруқлар мазмуни, руйхатга олиш китоби мавжудлиги;
- Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисалар тахлилини ўтказилиши ва уларнинг сифати (жумладан микрожароҳатланишлар ва касалланишларни); “Меҳнат муҳофазаси куни” ва уч босқичли назоратни ўтказилиши;
- Ишга кирганда бирламчи ва поездлар ҳаракати, зарарли ва хавфли иш шароитлари билан боғлиқ ишчиларнинг даврий тиббий кўриқдан ўтказилиши тартиби;
- Ҳар бир участкада хавфсизлик белгилари ўрнатилиши бўйича рўйхат ва схемалар мавжудлиги, ҳудудлар, корхоналар ва станцияларнинг хавфсизлик белгилари билан амалдаги таъминот ҳолати;
- Иш жойида кириш ва бирламчи йўл-йўриқларнинг ўтказилиши тартиби ва сифати, конспектлар мавжудлиги, ушбу йўл-йўриқларнинг ишга кирганда ва бошқа ишга ўтказилганда ўтказилиши, стажировканинг ўтказилиши тартиби, стажировка даврида жавобгар шахслар тўғрисида буйруқлар, фармойишларнинг мавжудлиги;
- Ўқитилиш ва билим текшируви ташкиллаштирилганлиги, комиссия таркиби ва билимлар текшируви баённомалари мавжудлиги, бирламчи билим текширувидан ўтмаган шахсларни мустақил равишда ишга қўйиш ҳолатларини аниқлаш;
- Техника хавфсизлиги бўйича даврий ва жорий йўл-йўриқларни ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши;
- “Ўзбекистон темир йуллари” АЖ корхоналари ходимларини ўқитиш ва билимларини текширишни ташкиллаштириш тўғрисида” Низомга асосан техника хавфсизлиги бўйича навбатдан ташқари йўл-йўриқларни ўтказилиши;
- Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув курсларини ташкиллаштирилганлиги ва ўтказилиши, ўқитиш дастурларини тузилганлиги ва бажарилиши, “Ўқитиш методикаси тўғрисида” Низом талабларининг уз вақтида бажарилиши ва дарсларда ходимларнинг қатнашуви;
- Меҳнат муҳофазаси масалалари тарғиботи - меҳнат муҳофазаси бўйича кинофильмлар кўрсатуви ва ҳоказо;
- Меҳнат муҳофазаси бўйича хоналар ва бурчаклар мавжудлиги, уларнинг

кўргазмали қуроллар билан таъминланганлиги, хоналар иши ташкиллаштирилганлиги;

- Иш жойларида техника хавфсизлиги плакатларининг мавжудлиги, уларнинг ҳолати;

- Жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ходимларнинг ўқитилиши ва билимларининг текширилиши;

- Меҳнат муҳофазаси бўйича талон тизимининг қўлланилиши;

- Илмий меҳнатни ташкиллаштируви ва ишлаб чиқариш эстетикасини ҳисобга олган ҳолда цехларда, иш жойларида ишлар ташкиллаштирилганлиги, технологик хариталар ва касблар бўйича меҳнат хавфсизлиги йўриқномаларининг мавжудлиги;

- Ишлаб чиқариш ва хизмат хоналарининг санитария меъёрлари талабларига тўғри келиши, ускуналар, станоклар, машиналарнинг жойлашуви, улардан фойдаланишда хавфсизликни таъминланиши, тусиқли ва химояловчи қурилмаларини, хавфсизлик белгиларини, корхона ва станция ҳудудида хавфсиз ҳаракатланиш маршрутларини мавжудлиги;

- Ишларни механизацияланганлиги ва автоматлаштирилганлиги даражаси, айниқса оғир ишлар;

- Электротехник ва электротехник бўлмаган персоналларга таснифлов гуруҳларининг берилиши;

- Дрезиналардан фойдаланиш ва уларга қараб туриш йўриқномаларини бажарилиши, техник хужжатларни мавжудлиги ва уларни юритилиши, ҳайдовчи таркибининг ўқитилишини ташкиллаштирилганлиги;

- Ходимларнинг электр хавфсизлигидан ҳимояланганлиги, цехларда ва тезкор (навбатчи) персоналларда электр таъминоти чизмалари мавжудлиги, электр ускуналарида ишларни амалга оширишда техника хавфсизлиги қоидаларининг бажарилиши, станоклар, машиналар, агрегатларнинг ерланганлиги, контур ерлагичларнинг мавжудлиги ва созлиги, контур чизмаларининг мавжудлиги, ўз вақтида лаборатория синовлари амалга оширилганлиги - паспортларда далолатнома ёзувлари мавжудлиги, хавфсизлик воситаларининг мавжудлиги ва синовдан ўтказилганлиги, хавфсизлик воситалари ҳисоби журналининг юритилиши, ишларни наряд ва фармойиш билан расмийлаштириш тартиби, наряд ёки фармойиш билан амалга оширилувчи ва жорий фойдаланиш тартибидаги ишлар рўйхати мавжудлиги, режавий огоҳлантирувчи ишлар (ППР) жадвалининг бажарилиши;

- Ўчириб ёқиш ишларини амалга оширишга, ишбоши жавобгар раҳбар, тезкор сўзлашувларга кузатувчи бўлиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати мавжудлиги, бошқа шахс ўрнини алмаштирилиши, нарядлар ва фармойишлар бериш ҳуқуқи бўлганлар рўйхати мавжудлиги;

- Хавфлилиги юқори бўлган жойлар, уларни бартараф этиш режалари мавжудлиги, рўйхат ва карточкага мослиги, хавфлилиги юқори бўлган жойларда ишлашда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш чораларини етарлилиги, хавфлилиги юқори



бўлган ишлар тўғрисида фотосуратлар ва чизмаларга эга стендлар мавжудлиги;

- Электр ускуналаридан хавфсиз фойдаланиш учун ташкилий ва техникавий тадбирлар бажарилиши;

- Ҳимоя воситаларининг ҳолати, уларни текшириш ва синаш баённомалари, кўчмас ва кўчирилувчи ерлаш асбобларининг мавжудлиги;

- Контакт тармоғи худудида, электр тортиш нимстанцияларида, электр таъминоти худудларида, механик-таъмирлаш устахоналарининг таъмирлаш-тафтиш бўлимларида ҳимоя воситаларининг тўғри сақланиши;

- Ёғоч устунларнинг чириганлигини текшириш тартиби ташкиллаштирилганлиги;

- Ҳимоя воситаларини синаш учун стендларнинг мавжудлиги ва созлиги, уларни амалга ошириш тартиби ва баённомаларнинг тақдим этилиши;

- Аккумуляторли батареяларни текшириш, хизмат кўрсатиш ва қараб туриш ташкиллаштирилганлиги, уларни сақлаш жойларининг ҳолати, аккумуляторли батареяларни тўйинтириш жойлари ҳаво алмаштириш ускуналари билан таъминланганлиги;

- Йўллар, стрелкали ўтказгичлар, СМБ ва контакт тармоғи ускуналарини текшириш журналларида ишлар амалга ошириладиган жойлар ва вақти, локомотив бригадаларини станцияларда амалга оширилувчи ишлар жойи тўғрисида, йўлларда ишловчиларни эса поездлар ҳаракати тўғрисида хабардор қилиш тартибига риоя қилиш ёзувларини ўз вақтида амалга оширилиши, станциялар, перегонлар йўлларида ишлаганда оғоҳдантиришлар бериш бўйича талабномаларнинг мавжудлиги, ўз вақтида йўлдан четга чиқилиши, жумладан кўшни йўлдан поездлар ўтказилганда, йўллар, стрелкали ўтказгичлар, СМБ ва контакт тармоғи ускуналарида ишлаганда сигналистлар ва сигнал ашёлари мавжудлиги;

- Саралаш станцияларининг қабул қилиш паркларида вагонлар автоулангичларларини узиш қурилмаларининг ва махсус зиналарнинг носозлигини бартараф этилиши, станциялар, шаҳобча йўллар ва корхоналарнинг худудидаги габаритсиз жойларнинг бартараф этилиши ёки махсус белгилар ўрнатилиши ва оғоҳлангирувчи сигналли бўялиши;

- Манёвр ишларини амалга оширишда ва стрелкали ўтказгичларга хизмат кўрсатишда хавфсизлик чораларига риоя этилиши;

- Вагонларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ходимларининг, айниқса йўллардан ўтишда, хавфсизлик чораларига риоя этишлари, кўригдан ўтказилаётган таркибларнинг ишончли тўсиқланганлиги;

- Ишни бажарувчиларнинг тайёргарлиги ва умумий ҳолати. Ходимларда локомотив, дрезина, юк кўтариш крани, ўзи юрар йўл машиналари, автокран, автомобиль ва бошқа транспорт воситаларини бошқариш ва махсус ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларнинг мавжудлиги.

- Иш жойлари, тўсиқлар, тўшамалар, кўприкоти йўллар, майдончалар ҳолати, бегона жисмларнинг йўклиги, ўтиш бемалоллиги, иситиш ускуналари, дарвозаларнинг совуқ ўтказмайдиганларини, эшик ва ромларнинг ҳолати;

- Бинолар, иншоотлар, цехлар хоналари ва уларга туташ ҳудудларнинг норматив-техник ҳужжатлар талабларига асосан техник ҳолати, йўлларнинг транспорт воситаси қатнайдиған ва одамлар ўтадиған қисмлари, ўтиш ва пиёда йўлларининг ҳолати;

- Иншоотлар, саноат ускуналари объектларида ишни амалга ошириш лойиҳаларининг бажарилиши ва ҳужжатлар юритуви, коммуникациялар ва энергетик қурилмаларининг уланиш чизмалари мавжудлиги;

- Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан полигонларда, тренажёр манекенларда меҳнат хавфсизлиги бўйича амалий ўқув машғулотларини ўтказиш ташкиллаштирилганлиги;

- Персоналнинг авариявий шароитларда ишлашга тайёрланганлиги;

- Цехлар ва ишлаб чиқариш участкаларида ходимларнинг дам олиши жойлари ва овқатланиш учун махсус жойлар билан таъминланганлиги;

- Юқори босимда ишловчи сиғимлар ва аппаратлардан, бўғли ва сувли иситиш қозонлардан фойдаланишда хавфсизлик чоралари, улардан фойдаланишда меҳнат муҳофазаси талаблари бўйича йўриқномларнинг мавжудлиги;

- Аккумуляторли, электр ва газпайвандлаш бўлимларида ҳамда сув, канализация ва газ тизимларида техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларининг бажарилиши, кескичлар (резак) ҳолати ва уларнинг газ ўтказмаслиги;

- Ёқилги-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа ёниш ва портлаш хавфи мавжуд моддаларни сақлашда хавфсизлик талабларининг бажарилиши;

- Кислород ва бошқа газли балонларни сақлашда хавфсизлик талабларининг бажарилиши;

- Лак-бўёқ материалларини сақлаш вақтида ҳамда уларни тайёрлаш хоналарига қўйилган хавфсизлик талабларининг бажарилиши;

- Кесиш дастгоҳларида ишлашда хавфсизлик чораларига риоя этилиши, кесиш доираларининг синалганлиги, уларни сақланиши ва ташилиши;

- Машиналарнинг одамлар ташишга жиҳозланганлиги ва ҳужжатлар расмийлаштирилиши;

- Баландликда ишлашда хавфсизлик чораларини таъминланиши, айниқса қўшма норвонлар ва тахтасупаларнинг ҳолати ва синалганлиги;

- Деталлар ва материалларни ортиш ва тушириш, тахлаш ишларини бажаришда хавфсиз шароитларни таъминланиши;

- Корхоналар, йўллар, йўлларнинг ўтиш жойларининг санитар ҳолати, ёзги ва қишги мавсумда уларга эътибор берилиши, ишлаб чиқариш чиқиндиларини йиғиш майдончаларининг ҳолати ва санитар тугунлари, чиқинди қабул қилгичлар ва

чуқурликлирига қаралиши;

- Цехларда санитар-техник паспортларнинг мавжудлиги ва ўз вақтида тўлдирилиши;

- Ишлаб чиқариш хоналарининг санитар ҳолати, тозаланиши, ромларни ойна билан қопланганлиги, иш жойларига қараб турилиши, станция ва тракцион йўлларнинг ҳолати, уларни тозалаш жадвалининг бажарилиши;

- Табиий ва сунъий ёруғликнинг ҳолатига, ёритиш мосламаларига эътибор берилиши;

- Ишлаб чиқариш ва маиший хоналар шамоллатилишини ташкиллаштирилганлиги, шамоллатиш мосламаларининг ҳолати ва уларни бошқариш воситаларининг мавжудлиги;

- Корхона хоналарининг ҳаво алмашинуви (умумий алмашинув ва маҳаллий) унинг ҳолати ва самарадорлиги, ҳаво алмаштирувчи қурилмаларининг паспортлари, фойдаланиш йўриқномалари, таъмирлаш жадваллари мавжудлиги ва уларнинг бажарилиши;

- Меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестациялаш ташкиллаштирилганлиги, аттестация якунига асосан тадбирларнинг бажарилиши;

- Ёзги ва қишги мавсумда ҳарорат режимининг таъминланиши;

- Шовқин ва тебраниш манбаининг мавжудлиги, шовқин ва тебранишга қарши кўрилган чоралар ва уларнинг самарадорлиги, атроф муҳит ифлосланишини бартараф этилиши;

- Ходимлар ичимлик суви билан, иссиқ цехларда ишловчи ходимлар эса газланган сув билан таъминланганлиги;

- Маиший хоналар-душхона, уст-кийим алмаштириш хоналари, ювиниш хоналари, овқатланиш хоналари, махсус уст-кийим қуриштириш хоналари, аёллар гигиенаси хоналари, исиниш хоналари, кир ювиш хоналарининг ҳолатлари, санитар нормаларга мослиги, ишлатиш режими, паспортларнинг мавжудлиги;

- Жамоат овқатланиши объектлари, санитар ҳолатлари, уларнинг етарлилиги, иш режими, тунги сменадагиларнинг иссиқ овқат билан таъминланиши;

- Тиббий кўрик ташкиллаштирилганлиги, тиббий кўрик талаблари қондирилганлиги, цехларда санитар постларнинг мавжудлиги ва уларнинг жиҳозланганлиги;

- Ходимлар махсус уст-кийим, махсус пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги, ушбу воситалар бажарилаётган технологик жараёнлар талабларига мослиги, махсус уст-кийим ва пойафзалга қараш - ювиш, таъмирлаш жадвали ва уларнинг бажарилиши, махсус уст-кийимни қуруқ ювиш учун машинанинг мавжудлиги ва ишлатилиши, ходимлар томонидан сигнал жилетлари, ҳимоя каскалари ва бошқа хавфсизлик воситаларини кийишлари;

- Ходимлар учун даволаш-профилактик тадбирларнинг ташкиллаштирилганлиги;

- Ходимларнинг махсус сут, махсус овқат ва совун билан таъминланганлиги;
- Ёнгин хавфсизлиги ҳолати, ёнгин хавфсизлигига жавобгар шахслар тайинланганлиги, улар томонидан ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли ишларни амалга оширилиши, ходимларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўқитилиши, ёнгин пайтида одамларни кўчириш тартиби, хоналарнинг ушбу тадбирларга тайёргарлиги ва ҳолати, ёнгин хавфсизлиги қалконларининг бирламчи ўт ўчириш воситалари билан жамланганлиги, ёнгин хавфсизлиги бўйича йўриқномаларнинг мавжудлиги, назорат органлари тақдимномаларини бажарилиши;
- Портлаш ва ёниш хавфи таснифидаги цехларнинг, участкаларнинг ва хоналарнинг мавжудлиги, ёнгин содир бўлган ҳолатлар ва уларнинг текширилиши, ертулалар, омборлар ва атроф муҳит чангланиши юқори бўлган цехларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ишларининг ташкиллаштирилганлиги.